

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РНД.03/30.12.2019.РЕД.78/03
РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВ ҚУТЛУҒ БЕКМУРОДОВИЧ

**ИСЛОМ МАДАНИЯТИ МАНБАЛАРИДА
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation**

Қодиров Қутлуг Бекмуродович

Ислом маданияти манбаларыда педагогик-психологик фикрлар тараққиёти..... 3

Қадыров Кутлуг Бекмурадович

Прогресс педагогическо-психологической мысли в источниках исламской культуры 29

Kadyrov Kutlug Bekmuradovich

The progress of pedagogical and psychological thoughts in the sources of Islamic culture..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 60

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РНД.03/30.12.2019.РЕД.78/03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВ ҚУТЛУҒ БЕКМУРОДОВИЧ

**ИСЛОМ МАДАНИЯТИ МАНБАЛАРИДА
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Ped152 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий-кенгаш веб-саҳифаси (www.tersu.uz) ва ZiyoNET ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) да жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Алеуов Усербай Алеуович
педагогика фанлари доктори, профессор

Киямов Нишонбай Содикович
педагогика фанлари доктори, профессор

Шоумаров Ғайрат Баҳромович
психология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78/03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Чориев Иргаш Тўраевич
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Бозорова Муслима Қодировна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Худойқулов Хол Жумаевич
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарбия тизимиға эътибор қаратилганда, бу йўлда мутафаккирларнинг мазмунга бой, кенг қамровга эга бўлган тарбиявий меросидан тўғри ҳамда оқилона фойдаланиш, ундан намуна олиш мақсадида уларни ўрганиш ёки таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш илмий аҳамиятга эга эканлиги кузатилади. Албатта, дин ва жамият ўртасидаги муносабатлар баъзи даврларда кескинлашгани, низолар пайдо бўлгани тарихий манбалардан ҳамда воқеалардан маълум. Лекин, ислом дини таълимоти ва маданияти, халқ маданияти ҳамда тарбиясининг бир қисми сифатида эътироф этилганига анча бўлди.

Дунёда ислом динининг машҳур бўлиб кетишига асосий диний манбалар - Куръони Карим ва ҳадисларнинг хизмати бекиёс эканлиги кўп бор қайд этилади. Ушбу манбалар ислом маданиятини шарҳлайди, тарғиб қиласиди, қийматини оширади, аҳамиятли ва муҳим томонларини таҳлил қилган ҳолда уни оммалаштириш вазифасини бажаради. Шу ўринда кўпчиликка маълум фикр-мушоҳадалардан бирини келтирмай илож йўқ: ҳозирда ислом динига нисбатан жаҳонда интилиш кучайиб, унинг сон жиҳатидан тарафдорлари кўпайиб бораётгани, мазкур диннинг инсонпарварлиги ва эзгулиги, узоқ ўтмишимиздаги қадрият ва анъаналарга бой аҳамияти ҳам барчага маълум.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда миллий тарбия тенденцияларининг асл моҳиятини ёш авлод онги ва қалбига сингдириш жараёнидаги ислом маданияти ва тарихининг таълим-тарбияга оид назарий ҳамда амалий ғоялари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар асосида вужудга келган педагогик фикрларни ўрганиш масаласида умумий педагогика ва унинг тарихи, психология назарияси ва тарихи фанларида ислом маданиятига бўлган илмий муносабатни шакллантириш борасида ҳам турли тадқиқотлар олиб борилди. Зоро, “Юртимиз заминидан жуда кўп олимлар, муҳаддислар, авлиёлар етишиб чиқсан, уларнинг мероси ундан ҳам кўпдир. Лекин тан олиш керак, бу катта манбани чуқур ўрганмадик”.¹ Бу эса, ўз навбатида, мавзуга тегишли маълумотларни кенг тадқиқ қилиш, етарли даражада ўрганилмаган муаммоларни кўриб чиқиш ва умумлаштирилган ҳолда хulosалар чиқариш лозимлиги билан илмий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сонли Фармони², 2022 йил 10 февралдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-126-сон ва 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада

¹ Ислом цивилизацияси маркази: дин, илм ва замонавийлик уйғунлиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 29 январда Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказига ташрифи давомидаги нутқидан. <https://president.uz/uz/lists/view/4115>

² Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2995-сонли Қарорлари³, 2018 йил 16 апрелда “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5416-сонли Фармони⁴ ҳамда яна шу каби бошқа бир қатор меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда маълум даражада ушбу тадқиқот иши амалга оширилди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот иши республикада илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵.

Ислом маданиятига оид манбаларни таҳлил этиш, уларнинг тарбиявий ўрнини тадқиқ этиш, Қуръони карим ва ҳадисларнинг педагогик ва психологик жиҳатларини аниқлаштириш, ёшлар муаммоларини тадқиқ этишда манбаларнинг тарихий ва назарий зарурати, замонавий дунёқарашни шакллантиришда ислом маданияти ва манбаларнинг ўрни, уларнинг жаҳон маданияти ривожига таъсири, дин вакилларининг донишмандлик ғоялари ва авлиёлик фаолияти, ижтимоий-педагогик, фалсафий ва психологик қарашлари, алломаларнинг қарашларини тадқиқ этишда диний манбаларнинг аҳамиятини ўрганиш юзасидан жаҳонга машҳур таълим муассасалари – Ал-Азҳар университети (Al-Azhar University, Cairo, Egypt); Малайзия халқаро ислом университети (International Islamic University Malaysia (IIUM), Kuala Lumpur, Malaysia); Нур-Муборак ислом маданияти Миср университети (Египетский университет исламской культуры Нур-Мубарак, Алматы, Казахстан); Исломобод халқаро ислом университети (International Islamic University, Islamabad, Pakistan); Имом Мұхаммад ибн Сауд Ислом университети (Imam Muhammad ibn Saud Islamic University (IMSIU), Riyadh, Saudi Arabia); Макка Уммул-Кура университети (Umm al-qura university, Makkah, Saudi Arabia); Роттердам ислом университети (Islamic University of Applied Sciences Rotterdam, Rotterdam, Netherlands); Дор-ул Худо ислом университети (Darul Huda Islamic University, DHIU, Mallapuram, India); Индонезия Джокъякарта ислом университети (Universitas Islam Indonesia, Yogyakarta, Indonesia); Читтагонг халқаро ислом университети (International Islamic University Chittagong, Chittagong, Bangladesh); Пятигорск давлат университети ҳузуридаги Араб тили, ислом ва ислом маданиятини ўрганиш Маркази (Центр арабского языка,

³ Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.02.2022 й., 07/22/126/0125-сон; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 й., 06/18/5399/1018-сон

⁴ Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2018 й., 06/18/5416/1079-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон; 22.04.2021 й., 06/21/6212/0358-сон

⁵ <http://www.azhar.edu.eg/en/>, <http://www.iium.edu.my/>, <https://nmu.kz/en/>, <https://iiu.edu.pk/default.htm>, <https://imamu.edu.sa/en/Pages/default.aspx>, <https://uqu.edu.sa/en>, <https://www.iur.nl/en/>, <https://www.dhiu.in>, <https://www.uii.ac.id/>, <https://www.iiuc.ac.bd/>, <http://pgu.ru/information/structure/centers/>, <http://miu.su/>, <http://www.riu-ufa.ru/>, <http://ivran.ru/arab-center>

изучения ислама и исламской культуры при Пятигорском государственном университете, Пятигорск, Россия); Москва ислом институти (Московский исламский институт (МИИ), Москва, Россия); Мусулмонлар марказий диний бошқармаси хузуридаги Россия ислом университети (Российский исламский университет при Центральном духовном управлении мусульман (РИУ ЦДУМ), Уфа, Россия); Россия фанлар академияси Шарқшунослик институти Араб ва исломий тадқиқотлар Маркази (Центр арабских и исламских исследований Института востоковедения Российской академии наук, Москва, Россия)да бугунги кунга қадар илмий муаммоларни ечиш масаласида ўзаро ҳамкорликда қатор халқаро тадқиқотлар ва илмий анжуманлар ўтказилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация йўналишига оид илмий тадқиқотлар ва асарларни таҳлил қилишда, турли тилларда ёзилган соҳа мутахассисларининг илмий ишлари тўрт гурухга ажратилди⁶:

Биринчи гурух: ислом маданияти тарихи, унинг ривожланиши, назарий-ижтимоий муаммолари, қадимий қўлёзмаларни ўрганишга оид диссертациялар ва тадқиқотлар муаллифлари: В.Бартольд, Е.Бертельс, Х.Вамбери, И.Гольдцигер, П.Грязневич, Г.Э. фон Грюнебаум, К.Захидов, К.Кадыров, Л.Климович, А.Лундин, А.Муминов, Т.Нёльдеке, А.Савицкий, З.Улугбекова, М.Усмонов, Г.Пугаченкова, Ф.Роузентал, А.Халидов, Т.Хамидреза, А.Ҳасанов, Ф.Юлдашева, Ю.Якубов;

Иккинчи гурух: ислом маданиятини ривожлантириш масаласида фаолият кўрсатган шахслар ижоди, қарашлари, тарихи, ўз фаолияти билан шухрат қозонган алломалар турмуш тарзи ва асарларини ўрганишга бағишлиланган диссертациялар ҳамда тадқиқотлар муаллифлари: А.Абдуллоҳ, М.Алимова, М.Атаев, Г.Баубекова, К.Босворт, Ҳ.Исломий, М.Комилов, А.Кубесов, М.Кенжабек (Кенжабоев), Н.Муҳамедов, К.Носиров, С.Оқилов, Б.Радтке, Д.Тимохин, У.Уватов, И.Усмонов, М.Хаджиева, М.Холназарова, М.Шаходжаев, К.Қиличева, Қ.Қодиров, С.Ҳасанов, Ҳ.Ҳомидий (Ҳомидов), Б.Эшонжонов;

Учинчи гурух: ислом маданияти манбаларини таҳлил қилиш, изоҳ бериш, уларнинг анъаналари, қадриятлари, тарихий обидаларини тадқиқ этишга бағишлиланган диссертациялар ҳамда тадқиқотлар муаллифлари: Ш.Авазова, Д.Алимова, У.Алеуов, Е.Беляев, Н.Бобровников, О.Большаков, Г.Волков, С.Джураева, А.Джуринский, А.Зуннунов, З.Исломов, З.Исоқова, К.Кадыров, Э.Каримов, Ҳ.Кароматов, А.Кныш, Н.Комилов, М.Крапивин, И.Крачковский, В.Литвинов, Ал.Мансур, Аб.Мансур, Л.Маньковская, Р.Матибаева, А.Мец, З.Миртурсунов, О.Мусурмонова, М.С.Муҳаммад Юсуф, Б.Назаров, С.Нишонова, Р.Обидов, Н.Ортиқов, И.Останақулов, С.Очил, М.Пазилова, С.Прозоров, Е.Резван, С.Турсунов, Қ.Тошмуродова, М.Тўхтахўжаева, Т.Эгамбердиева, Н.Эркабоева, И.Фильшинский, Б.О.Қодиров, Ш.Қурбонов, М.Қуронов, М.Ҳайдаров, О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, К.Ҳошимов, Б.Шидфар, И.Шифман, А.Юрасов;

⁶ Муаллифларнинг тадқиқотлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати”да тўлиқ келтирилган.

Тўртингчи гурух: ислом маданиятининг тарихи, моҳияти, психологияси, фалсафаси, ҳуқуқшунослиги, илмий тамойиллари ва уларни ўрганиш технологиялари йўналишида амалга оширилган диссертациялар ҳамда тадқиқотлар муаллифлари: С.Абдуллаев, О.Абдуллажонов, П.Абдуллаханов, А.Абдушукоров, А.Абдураҳмонов, Д.Абидов, А.Азимов, А.Айрапетова, З.Алимова, С.Арифханова, А.Асали ўғли, Б.Бабаджанов, А.Байназарова, Б.Бегматова, Ҳ.Бобоев, Н.Бордовская, К.Воропаева, Ш.Ёвқочев, М.Жўшон, А.Жўзжоний, А.Зоҳидий, Д.Исмоилова, С.Исхаков, К.Камилов, М.Капустина, М.Каримова, Ф.Кароматов, К.Кодиров, Ҳ.Йўлдошхўжаев, С.Лурье, З.Маркаев, С.Маҳкамов, И.Мирсайитов, У.Мустафаев, К.Норматов, Д.Расулов, Д.Рахимджанов, А.М.Рахманов, А.Рахмонов, А.Реан, А.Сайдов, С.Сайфуллоҳ (Рафиддинов), С.Турсунова, Т.Унтер (Абдулҳаким Мурод), Ж.Филби (Хожи Абдулло Филби), Е.Фролова, М.Хайруллаев, М.Хашимов, И.Худойбердиев, М.Четеишвили, Л.Шайдуллина, Н.Юсупова, К.Қиличева, А.Қоя, З.Хусниддинов, Ш.Эшоновалар томонидан ёзилган ишлар ушбу тадқиқот жараёнида таҳлил этилди.

Шу ўринда, юқоридаги тадқиқотчилар томонидан илмий ишларида ислом маданияти манбалари – диний асарларни таҳлил қилишда педагогик муаммоларга эътибор қаратилса-да, унинг илдизлари, яъни инсон тарбиясининг ижтимоий-педагогик жиҳатлари алоҳида педагогик муаммо сифатида ажратилган ҳолда тадқиқ этилмаганлиги ёки маҳсус тадқиқот объекти сифатида ҳам ўрганилмаганлиги маълум бўлади.

Ушбу фикрларга аниқлик киритиш мақсадида тадқиқот мавзуи юқорида кўрсатиб ўтилган илмий муаммоларнинг ечимини излашга қаратилган ҳолда шакллантирилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Термиз давлат университетининг Илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-002 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мағкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизmlари” мавзусидаги илмий лойиха (2017-2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ислом маданияти манбаларидаги педагогик-психологик фикрлар тараққиётининг назарий, ижтимоий, тарихий босқичларини педагогик жиҳатдан очиб бериш ҳамда улардан педагогика ва психология фанларидан таълим беришда фойдаланиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

муаммонинг тарихий-хронологик ва назарий шарт-шароитларини ўрганиш, илмий аҳамиятини аниқлаш ҳамда педагогик-психологик мазмунини ёритиш;

ислом маданиятининг назарий-тарихий манбаларини ва ушбу йўналишда амалга оширилган ижтимоий-маданий, педагогик, психологик, фалсафий, ҳуқуқий, диний тадқиқотларни ўрганиш;

ислом маданияти манбаларини тадқиқ этишда ижтимоий ҳаёт, фикр, муносабатларнинг ролини ва ислом динининг ижтимоий-сиёсий бошқаруви ташкил этилишини педагогик нуқтаи назардан тадқиқ этиш;

ислом маданияти илмий-амалий меросининг педагогика тарихи йўналишидаги мавқеини аниқлаш ва диний ташкилотлар, идоралар, таълим муассасаларининг ижтимоий-педагогик фаолиятидаги ўрнига тавсиф бериш;

педагогика ва психология фанлари ўртасидаги узвийлик ҳамда тарбия жараёнига бўлган умумий муносабат ва ислом дини уламолари ҳамда намояндадарининг жаҳон педагогик фанлар маданиятига қўшган илмий ҳиссаларини ва аҳамиятини очиб бериш;

Ўзбекистонда ислом маданияти шаклланишининг ижтимоий-педагогик асослари мавжудлигини илмий жиҳатдан исботлаш ва ислом динининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги ўрнини педагогик-психологик жиҳатдан таҳлил этиш;

педагогика тарихи йўналишида ислом маданияти манбаларидаги педагогик фикрлар ва қарашлардан фойдаланишнинг илмий-услубий масалаларини яхлит тизимга келтириш бўйича ўтказилган таҳлилларни умумлаштириш асосида хулоса бериш, фан ўқув режасига янги мавзулар киритиш таклифини ва ўтказилган тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида Ўзбекистонда ислом маданияти юзага келишига, шаклланишига ва ривожланишига асос ҳамда сабаб бўлган ижтимоий тарихий даврлар, вазиятлар ва босқичларнинг илмий-назарий мазмуни, фикрлар ҳамда қарашлар белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети: Ислом маданияти манбаларининг юзага келиши, шаклланиши ва ривожланиши таҳлил этилган асарлар ҳамда ёдгорликлар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида архив материаллари, видео, фото ва электрон манбалар билан ишлаш, чет тилларидаги адабиётларни таржима қилиш, тарихий обидаларни кўриш ва ўрганиш, тарихий-хронологик ва ижтимоий, назарий, қиёсий, анализик, педагогик ва психологик ташхис ҳамда таҳлиллар, сухбат, савол-жавоб ҳамда статистика усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

педагогика тарихи ўқув модулини ўқитишида ислом маданиятига бўлган соғлом илмий қараш шаклланишида диний бағрикенгликнинг ижтимоий моҳиятини англашда педагогик фикрлар ва қарашлар мажмуаси, ислом маданияти манбаларини тарихий жиҳатдан келиб чиқиши хронологиясининг педагогик жиҳатлари ва назарий жиҳатдан конфессионал аҳамияти асосланган;

оила ва жамият муносабатларида дин вакиллари ҳамда донишманларнинг интеллектуал тарбияга хос бўлган илмларни тарғиб этувчи қарашларининг диний қоидаларга боғлиқ мазмуни ҳамда тарбиявий мақсадларнинг умуминсоний қадриятларга асосланган педагогик аҳамияти исботланган;

педагогика тарихи ўқув модулида ислом маданияти илмий меросининг эмпирик мавқеини ва аксиологиясини аниқлашда мазкур манбаларнинг одоб-

ахлок, маданият меъёрларига оид талаблар бўйича шахс тарбиясини жамоавийлик ҳамда оммавийлик асосда олиб боришнинг муҳим омиллари асослантирилган;

ислом маданиятига оид мавзуларни ўқитишида дарс жараёнини ташкил этишнинг тарихийлик нутқаи назаридан илмий мутаносиблиги, диний фикрлар ва қарашларнинг ижтимоий мавқеи, ёшларга диний тарбия беришнинг педагогик сабаблари асослаб берилган;

педагогика дарсларида ислом дини алломалари илмий меросидан фойдаланишда ижтимоий-қиёсий, тарихий, назарий-психологик манбаларда мавжуд диний фикрлар ҳамда тамойилларнинг таълим-тарбия жараёнига антологик таъсир кўрсатиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида “Умумий педагогика”, “Педагогика тарихи”, “Психология назарияси ва тарихи”, “Халқ педагогикаси”, “Этнопедагогика”, “Фалсафа”, “Диншунослик” ва “Дин тарихи” фанларини ўқитиши жараёнида ислом маданияти манбаларидан фойдаланиш услублари такомиллаштирилган;

ёш авлодни тарбиялашда таълим соҳаси ходимлари учун иш жараёнида ислом маданиятининг илмий-назарий, маданий, маънавий, тарихий манбалардан фойдаланиш масалалари педагогик ва психологик жиҳатдан хронологик ҳамда технологик тарзда тартибга солинган;

ислом дини манбаларини, илмини, тарихини ва қоидаларини янада кенгроқ ўрганишда, тадқиқотларни ривожлантиришда, умумий педагогика, педагогика тарихи, психология, тарих, маънавият, маданият, диншунослик, фалсафа курсларини, маъruzalар, семинарлар ўтишида, амалий машғулотларда, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари, дарсликлар, қўлланмалар ёзишда фойдаланиш муаммолари илмий-методик жиҳатдан таъминланган;

ислом маданиятини тадқиқ этишнинг педагогик модели ишлаб чиқилган;

ислом маданияти шаклланишининг ижтимоий-педагогик жиҳатлари тарихий босқичлар асосида тартибланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация мавзусини аниқлаштириш жараёнига илмий холислик билан ёндашилганлиги, назарий компонентлар қиёслаш йўли орқали ишлаб чиқилганлиги, диссертация ишининг мақсад ва вазифаларини ифода этишга қаратилган таҳлил услублари қўлланилганлиги билан изоҳланади ҳамда тадқиқотда тарихийлик ва долзарблик даражаларининг белгиланиши, таҳлил жараёнида турли тиллардаги матнлар, шарҳлар ва бошқа қўшимча манбаларга ёндашилган ҳолда турли фалсафий, ижтимоий ҳамда педагогик маълумотларга асосланган ҳолда расмийлаштирилиши билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - “Умумий педагогика”, “Педагогика тарихи”, “Психология назарияси ва тарихи” ўкув фанларидан таълим бериш жараёнида фойдаланиш бўйича тайёрланган таклиф ва тавсиялардан, тарихий, ижтимоий, тарқатма ва хрестоматик материаллар, ўкув қўлланмалар ҳамда маъзуза матнлари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти - тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистонда ислом маданиятининг шаклланиш босқичларининг ижтимоий-педагогик жиҳатлари билан боғлиқ маълумотлардан, педагогика назарияси ва тарихи фани ўқув маъruzаларига янги мавзулар киритиш, шунингдек, ислом маданияти манбаларидаги педагогик фикрлар ва қарашлардан фойдаланишга оид ишлаб чиқилган тавсиялардан дарслар ва тадбирларда амалий фойдаланиш масаласи билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ислом маданияти манбаларидаги педагогик-психологик фикрлар тараққиётини тадқиқ этиш юзасидан олинган илмий натижалардан қуидагиларда фойдаланилган:

олий таълим муассасаларининг педагогика тарихи ўқув модулида ислом маданиятига бўлган соғлом илмий қараш шаклланишида диний бағрикенгликнинг ижтимоий моҳиятини англашда педагогик фикрлар ва қарашлар мажмуаси, ислом маданияти манбаларини тарихий жиҳатдан келиб чиқиши хронологиясининг педагогик жиҳатлари ва назарий жиҳатдан конфессионал аҳамияти асосланган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 2020 йил 3 ноябрда тақдим этилган 89-03-4367-сон маълумотнома). Натижада ислом маданияти билан боғлиқ муаммоларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш биринчидан, талаба ёшларда тарихий меросга, миллий қадриятларга бўлган қизиқишининг ортишига, иккинчидан, уларга таълим-тарбия бериш масалаларига, хусусан, “Педагогика тарихи” ўқув модулини ўқитишида янгича, мазмунан ёндашишнинг методик ва замонавий усулларини кенгайтиришга ва такомиллаштиришга хизмат қилган;

оила ва жамият муносабатларида дин вакиллари ҳамда донишмандларнинг интеллектуал тарбияга хос бўлган илмларни тарғиб этувчи қарашларининг диний қоидаларга боғлиқ мазмuni ҳамда тарбиявий мақсадларнинг умумисоний қадриятларга асосланган педагогик аҳамиятига оид таклифлар Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида 2013-2014 йилларга мўлжалланган И1-ХТ-17222 сонли “Қорақалпоқ миллий менталитетини ўқувчи ёшларга сингдиришда ҳалқ педагогикаси имкониятларидан фойдаланиш” мавзусидаги инновацион лойиха фаолиятида фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 2020 йил 26 ноября тақдим этилган 89-03-4946-сон маълумотнома). Натижада инновацион лойиха иши асосида тадқиқот натижаларининг жорий этилиши ўқувчи ёшларнинг шахсга йўналтирилган ижтимоий-психологик қарашларининг замонавий фанлар тизимини ривожлантиришдаги тарихий-назарий ва рефлексив психологик омилларнинг концептуал аҳамиятини ривожлантиришга хизмат қилган;

педагогика тарихи ўқув модулида ислом маданияти илмий меросининг эмпирик мавқеини ва аксиологиясини аниқлашда мазкур манбаларнинг одоб-ахлоқ, маданият меъёрларига оид талаблар бўйича шахс тарбиясини жамоавийлик ҳамда оммавийлик асосда олиб боришининг муҳим омилларига оид таклифлар Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида 2012-2014 йилларга мўлжалланган А1-ХТ-92997-сонли “Ёшларни умумисоний, миллий ва тарихий

қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-аҳлоқий тарбиялаш муаммолари” мавзусидаги амалий лойиҳа ишида фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 2020 йил 26 ноябрда тақдим этилган 89-03-4946-сон маълумотнома). Натижада амалий лойиҳа иши асосида диссертация материалларидан педагогика тарихи ўқув модулида фойдаланиш ислом маданияти илмий меросининг эмпирик мавқеи ва аксиологиясини аниқлашда, фан нуқтаи назаридан, ислом маданияти манбаларининг дидактик ҳамда акмеологик жиҳатларини асослашга хизмат қилган;

республика олий таълим муассасаларида ислом маданиятига оид мавзуларни ўқитишида дарс жараёнини ташкил этишининг тарихийлик нутқай назаридан илмий мутаносиблиги, диний фикрлар ва қарашларнинг ижтимоий мавқеи, ёшларга диний тарбия беришининг педагогик сабабларини тадқиқ этиш ишлари амалга оширилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 2020 йил 3 ноября тақдим этилган 89-03-4367-сон маълумотнома). Натижада мазкур таҳлиллар педагогика тарихи ўқув модулидан дарс машғулотларини ташкил этишда ислом маданиятининг ёзма манбаларини барча ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маърифий мавзуларни ўзида жамлаган ноёб манбалар эканлигини эътироф этишга ва исботлашга хизмат қилган;

республика олий таълим муассасаларида педагогика дарсларида ислом дини алломалари илмий меросидан фойдаланишда ижтимоий-қиёсий, тарихий, назарий-психологик манбаларда мавжуд диний фикрлар ҳамда тамойилларнинг таълим-тарбия жараёнига антологик таъсир кўрсатишини асослаш жараёни олий таълим тизими ўқув-тарбиявий фаолиятида кўлланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 2020 йил 3 ноября тақдим этилган 89-03-4367-сон маълумотнома). Натижада ушбу жараён олий таълим муассасаларида ислом маданиятининг педагогик фикрларни ривожлантиришда тутган ўрнини ўрганиш билан боғлиқ мавзуларни дарслар, машғулотлар, давра сұхбатларида таҳлил этиш асосида ижтимоий-педагогик муаммоларни талабаларга етказиш ёки тушунтириш услубларини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот иши натижалари 3 та халқаро илмий-амалий ҳамда 18 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг мазмуни, хulosалари ва ишлаб чиқилган илмий-назарий тавсиялар муаллифнинг чоп этилган 44 та илмий нашрда ўз аксини топган. Улардан, 1 таси монография, 22 таси илмий журналларда (улардан 15 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган соҳа журналларида, 2 таси республика ва 5 таси хориж журналларида), 21 таси халқаро ҳамда республика илмий-амалий конференциялари материалларида ва илмий тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, тўртта боб ва хulosалар, умумий хulosалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 261 бет.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарбилиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, обьекти, предмети, усуллари, мақсади ва вазифалари ёритилган. Натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингандиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўзбекистонда ислом маданияти шаклланишига асос бўлган тарихий даврларда ижтимоий ва маданий шароит**” деб номланади. Мазкур боб З та параграфдан иборат бўлиб, унда Ўзбекистонда ислом маданияти шаклланишига асос бўлган тарихий даврларда ижтимоий ва маданий шароит, ижтимоий ва маданий ҳаётда ислом маданияти тараққиётининг педагогик жиҳатлари таҳлил этилган.

Биринчи бобнинг “**Ўзбекистонда ислом маданияти шаклланиши ва ривожланишининг педагогик масалалари**” номли биринчи параграфида тадқиқотни олиб бориш жараёнида ислом маданияти тарихини ўрганиш билан боғлиқ бўлган барча муаммолар, илмий жиҳатларни ҳисобга олиш мақсадида тадқиқотнинг педагогик модели ишлаб чиқилгандиги чизмада тасвирланади:

Ислом маданиятини тадқиқ этишининг педагогик модели



Ушбу модел асосида илмий таҳлилларни тартиблаш, умумлаштириш, яхлит тизимга келтириш соддалашади ва маълум бир кўринишга келади.

Биринчи бобнинг “**Ижтимоий ва маданий ҳаётда ислом маданияти**” номли иккинчи параграфида ҳозирги даврда ислом дини халқнинг ижтимоий ҳаётида фақат маърифий-тарбиявий жиҳатдан хизмат қилибгина қолмасдан, мумкин қадар ижтимоий, шу жумладан, илмий-техник тараққиёт билан ҳамкорликда, қадамба-қадам олға силжиб боришга ҳаракат қилиш жараёнлари таҳлил этилган. Бу ўринда таълим-тарбия ишларининг ривожланиш ғоялари

тахлил этилган, уни атрофлича мантиқий баҳолаш, имкон даражасида тарихий мероснинг илмий-назарий асосларидан фойдаланиш йўлларини излаш зарурияти келиб чиқиши ҳақида фикр юритилган.

Биринчи бобнинг “**Ислом маданияти тараққиётининг ижтимоий-педагогик жиҳатлари**” номли учинчи параграфида маданий-маънавий жиҳатдан ислом, унинг қонун-қоидалари, арконларидан тинчликни сақлаш, давлат фаровонлигини ошириш ишида фойдаланишга бўлган жараёнларни таҳлил этишга эътибор қаратилди. IX-XII асрларда мамлакат тарихида юз берган ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиёт Мовароуннаҳрнинг ривожланиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатди. Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар сулолалари ҳукмронлик қилган бу даврда ўлкада кўплаб ноёб тарихий обида, илмий-маданий маскан, кутубхона, мадрасаю масжидлар, хонақоҳу мақбаралар барпо этилди.

Ислом маданиятига оид бўлган тадқиқотларни ўрганишга киришилар экан, ушбу маданият пайдо бўлишигача бўлган ижтимоий муҳит, турмуш тарзи, тарбия масалалари, халқлар ва миллатларнинг тарбиявий қарашлари тарихи илмий таҳлилдан ўтказилди, ўзбек халқининг педагогик маданиятини ривожлантиришга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.

Ушбу фикрни ривожлантириш ва ғоясини илгари суришнинг даражалари ҳамда услублари С.Аннамуратова, Р.Жўраев, А.Исимова, Ж.Йўлдошев, А.Мунавваров, А.Соҳибов, Э.Сейтхалилов, Б.О.Қодиров, С.Файзулина каби олимларнинг тадқиқотларида ҳам қисман ўз ифодасини топганлиги қайд қилинди. Исломнинг асосий ғоялари, ишонч, диний бағрикенглик, ўзаро ҳурмат каби таълимотларда кўриниб, ўзида миллийлик ғояларини акс эттиради. Шу билан биргаликда исломий қадриятлар аҳамиятини рад этмаган ҳолда, уларни абсолютлаштириш миллий, илмий қадриятлар ролини нотўғри баҳолашга олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиш муҳим.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ислом маданияти шаклланишида ислом дини намояндалари фаолияти ва исломий ёдгорликларнинг роли**” деб номланади. Мазкур боб З та параграфдан иборат бўлиб, унда ислом маданияти шаклланишига ҳисса қўшган алломалар фаолияти ва ижоди, мутафаккирларнинг педагогик фикрлари ва тарбиявий қарашлари, ислом маданияти ривожида обидалар ва ёдгорликларнинг роли, мазмуни ҳамда моҳиятини ўрганишга доир олиб борилган таҳлиллар баён этилади.

Иккинчи бобнинг “**Ислом маданияти шаклланишига ҳисса қўшган алломалар фаолияти ва ижоди**” номли биринчи параграфида ислом дини алломалари ва қомусий билим соҳибларининг илм-фаннынг турли соҳаларидаги бебаҳо илмий ва маънавий мерослари ҳақида сўз боради. Ҳадисларни ўрганиш жараёнида, уларнинг маҳсус истилоҳлари тўғрисида таҳлиллар борлигини таъкидлаш жоиз. Бунда, инсон ва диний қарашлар, шариат ўртасидаги муносабатлар йиллар давомида уламоларнинг ҳаракати ва меҳнатининг маҳсули сифатида кўриниши билан шакллана боради, деган хulosага келинади.

Хуросондаги тасаввуфнинг ўзига хос томони шундаки, бу даврда тасаввуфга ҳеч бир сиёсий кучлар томонидан расмий тан олинган таълимот

сифатида қаралмас эди. Бу даврдаги илмий-маданий ютуқлар IX-XII асрларда эришилган маданий бойликлар асосида тез суръат билан амалга оширилиб, уларни ижодий ўзлаштириш ривожлантириш натижасида юз берди.

Бу даврда, хусусан, ислом маданиятини шакллантиришда муҳаддислар Ином ал-Бухорий, Ином ат-Термизий, Исҳоқ ибн Роҳвайх Марвазий, Муҳаммад ибн Башибор; фиқҳ олимлар Абу Сахл Саражий, Абу Ҳафсли Кабир Бухорий, тафсиршунос Абдулкарим Баздавий, файласуф-тариҳчи Абу Наср Форобий, тиббиёт алломаси Ибн Сино, араб тили муаммолари билан шуғулланган Жавҳарий, Аз-Замахшарийлар яшаб ижод қилдилар ва фанлар ривожига катта ҳисса кўшдилар.

Халқ педагогикаси соҳасида фаолият юритган мутафаккирларнинг асрлар давомида ўз қадр-қимматини йўқотмай келаётган фикрлари, жаҳон тарбияшунослик фанининг ўрта асрлар ва янги замондаги намояндайларининг қарашлари ҳам миллий истиқлол мағкураси тамойилларини асослаш ва бойитиш, уларга ҳаётий руҳ бағишлишда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи бобнинг “**Ислом маданияти алломаларининг тарбиявий фикрлари ва қарашлари хусусида**” номли иккинчи параграфида тасаввуфдаги ўз-ўзини такомиллаштириш ғояси, ахлоқий юксалиш, эзгулик, хайр, ҳиммат, мардлик ҳақидаги қарашлар бутун мусулмон оламига кенг тарқалиб, катта ижтимоий ҳодисага айлангани тўғрисида, дарвешлар, сўфиylар, шайхлар, валийсифат руҳонийлар фаолияти ҳақида фикр юритилади.

Диний ҳодисалар тўғрисида фикр юритилганда, қандайдир алоҳида «диний психологик белгилар»ни эмас, балки психик тузилишлар мазмунининг ўзига хосликка ва йўналишга эгалигини, ҳолатларни, механизmlарни, уларнинг ифодаланиш усусларини, шунингдек, улардан униси ёки бунисининг доминантлиги, муносабатдорлиги ва валентлигини назарда тутамиз.

Агар мамлакат тарихига назар солинадиган бўлса, энг бебаҳо анъаналар, аввало оилада, маҳалладаги ижтимоий муносабатларда шаклланишини кўриш мумкин. Шу боис азиз-авлиёлар меросини асраш, уларнинг ўғитлари асосида авлодларни тарбиялаш, ушбу ўғитлардан ҳар бир инсон чексиз фаҳрланиши, уларга таъзим бажо келтириши ҳам фарз, ҳам қарзdir. Лекин ҳар бир инсон учун таяниб яшайдиган ғоя ва фикрнинг қанчалик тўғри ва ҳақиқатга мослиги, қолаверса, ўз эътиқодининг мақсадлари ҳаётий, оиласи, ижтимоий манфаатларига нечоғлик мос келишига узвий боғлиқdir. Миллий қадриятларни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, миллий ғоя ҳамда истиқлол мағкураси тамойилларини ҳалқнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динни ва тарихни сохталаштириш, улардан салбий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик - бу тарбия соҳасидаги асосий вазифалардан биридир.

Иккинчи бобнинг “**Ислом маданиятининг тарбиявий анъаналарида қадимий обидалар ва ёдгорликларнинг аҳамияти**” номли учинчи параграфида ислом маданияти икки – моддий ва маънавий комплексга асосан кўриб чиқилади.

Бугунги кунда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон жаҳон маданиятининг кўхна ўчоқларидан бири эканлиги эътироф этилади. Ислом

дини кириб келишидан аввал (VIII асргача) ҳам Ўрта Осиё халқлари бой мөймөрчилик ва ҳунармандчилик анъаналарига эга эдилар. Минтақага ислом дини кириб келгач, маҳаллий анъаналар исломий маданият билан уйғунлашиб, юксалиш палласига кирди. Илм-фан, савдо-сотик, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. IX-X асрларда ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривожланди, шаҳарлар кенгайди. Уларнинг марказларида йирик, муazzам иморатлар қурилди. Саройлар, қасрлар ва девонхоналар билан бир қаторда савдо расталари, дўконлар, карвонсаройлар ҳам қурила бошлади.

Меъморчиликнинг ажойиб ютуқлари ва намуналари, айниқса, масжид ва мадрасалар қурилишида кўпроқ намоён бўлди. Ўша даврларда диёрга келиб-кетган сайёҳу олимлар шаҳарларга таъриф бературиб, асосий бинолар сифатида масжид ва мадрасаларни тилга олганликлари шундан далолатdir. Масжид бинолари ёнида ҳашаматли ва улуғвор минора, хонақоҳ, уламою авлиёларнинг мозорлари устига мақбаралар қурилди. Бундай жойларни зиёрат этувчиларнинг сони кўп бўлганлигидан маҳсус ҳужралар ҳам бино этила бошланди.

Мустақиллик йилларида ислом маданияти билан боғлиқ оламшумул аҳамиятга эга бўлган меъморий ёдгорликлар – Бухородаги Масжиди Калон ва Минораи Калон, мадрасалар, Хожа Баҳоуддин зиёратгоҳи, Самарқанддаги Регистон майдони, Шоҳизинда мажмуи, Гўри Амир, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси, Зангиота зиёратгоҳи каби кўплаб обидалар тўлиқ таъмирдан чиқди. Кармана шаҳридаги Қосим Шайх Азизхон мақбараси, Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи, Имом Мотуридий қабри, Марғилондаги Бурхониддин Марғиноний ёдгорлиги ва бошқа бир қанча зиёратгоҳлар қайта қурилди.

Муқаддас зиёратгоҳлар, обидалар, ёдгорликлар, қадамжолар билан боғлиқ мутафаккирлар, алломаларнинг ижоди ва фаолияти, илмий мероси тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, шарҳлаш, манбаларини аниқлаш, уларнинг илмий аҳамиятини очиб бериш ва яхлит тизимга келтириш, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш бўйича тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқиши бугунги кунда педагогика тарихи фани изланувчи ва тадқиқотчилари олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбекистонда ислом маданияти шаклланишида ислом дини манбаларининг педагогик аҳамияти” деб номланади. Мазкур боб 3 та параграфдан иборат бўлиб, унда таълим жараёнида Қуръони каримнинг ўрни, мазмуни ва тарбиявий аҳамияти, таълим тизимида ва ижтимоий ҳаётда ҳадислардан фойдаланишнинг педагогик аҳамияти ҳамда ислом дини назарий манбаларининг ижтимоий-қиёсий ва педагогик таҳлили ўтказилди.

Учинчи бобнинг “Таълим жараёнида Қуръони каримнинг ўрни, мазмуни ва тарбиявий аҳамияти” номли биринчи параграфида илоҳий китобда зикр этилган эзгу ғоялар ва тарбиявий мазмун таҳлилга олинади.

Тарихий даврларда давлатчилик шакллана бошлагач, шахсий, ҳуқуқий ва ижтимоий ишларни идора қилишда, бир қатор қонун-қоидаларга зарурат сезилиб, халқ Қуръон ва Суннага мурожаат қилишни бошлайди. Уларга

асосланиб, белгилаб олинган қонун-қоидалар орқали мусулмонлар ўзаро муносабатларни тартибга солиш учун фойдалана бошладилар.

Куръони карим ислом динининг асосий манбаи бўлгани учун уни ўзгаришлардан сақлаш ва мазмунини чуқур тушуниш учун қироат ва тафсир илмлари юзага келган.

Шундай қилиб ирфон ва тасаввуф, аҳли тасаввуф ва ирфонга алоқали бўлган турли усул, қоида ва одобни исботлаш учун, ислом динининг асосий манбалари бўлмиш Куръони Карим ислом пайғамбари, унинг саҳобалари сўзлари ва амалий ҳаётларига таянадилар. Куръони Карим ва ҳадис аҳкомига мос равища пайдо бўлган тасаввуфий таълимотлар VIII-IX асрларда араб дунёсида вужудга келиб, X-XI асрларда Мовароуннахр тупроғига етиб келди ва сўфий шоирларнинг содда, жонли халқ тилидаги асарлари орқали омма ўртасида янада кенг тарқалди.

Учинчи бобнинг “Таълим тизимида ва ижтимоий ҳаётда ҳадислардан фойдаланишининг педагогик аҳамияти” номли иккинчи параграфида ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз боради.

Ҳадисларни тарқатиш ва ёйишда пайғамбар алайҳиссаломнинг ўzlари айтган, шунингдек у кишининг фикр-мулоҳазалари, панду насиҳати, кўрсатмалари ҳақида яқин қариндош-уруғлари, саҳобалари ва сафдошлари томонидан билдирилган ҳадислар олдинига оғзаки ҳолда эл орасида тарқалиб юрган, кейинчалик, яъни ҳижрий иккинчи асрнинг (мелодий VIII-асрнинг) ўрталаридан бошлаб ушбу ҳадисларни қоғозга тушириб йиғишига ҳаракатлар кенг кўламда авж олиб кетди. Манбаларда кўрсатилишича, VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб ғоятда ривожланиб кетган ҳадислар билан кейинги иккича аср давомида тўрт юздан ортиқ муаллифлар шуғулланган.

Ҳижрий учинчи (мелодий IX) асрда ҳадис илмида катта мувафаққиятларга эришилди. Чунончи, авваллари ҳадисшунос олимлар ўз асарларига ўzlари эшитган ҳадисларни танлаб ўтирамай (тоифаларга бўлиб тартибга солиб) қаторасига киритаверардилар. IX асрга келиб эса кўплаб муҳаддисларнинг саъи ҳаракати билан ҳадислар бобларга ва тоифаларга бўлинниб, уларнинг тўғри ва ишончли (саҳийх)лари алоҳида ажратилиб яхлит бир тўпламлар яратилди. Бу борада кўплаб ютуқлар қўлга киритилганлиги учун IX аср ҳадис илмининг ривожида «олтин давр» ҳисобланади. Чунончи, бутун ислом дунёсида энг нуфузли манбалар, деб тан олинган олтида ишончли ҳадислар тўпламиш (ас-саҳийх ас-ситта) муаллифлари ҳам асосан мана шу асрда яшаб ижод қилганлар. Бу борада дастлаб юксак фаолият кўрсатган Имом ал-Бухорий (810-870), имом Муслим ибн Ҳаттот (819-874) каби машҳур муҳаддислар ўзларининг бутун ислом оламига машҳур бўлган «ал-Жомеъ ас-саҳийх» деб аталадиган машҳур ҳадислар тўпламларини яратадилар. Ҳадисларни маҳсус боблар ва бўлинмалар асосида тўплаб китоб ёзиш каби шарафли ишни ушбу алломалар бошлаб бердилар. Ушбу муҳаддисларга эргашиб асар яратган имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-892), имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний (817-888), имом Аҳмад ан-Насоний (830-915), имом ибн Можжа ал-Қазвиний (834-886) каби машҳур олимлар ҳам ас-Саҳийх (бу асарлар «Ас-Сунан» номи билан ҳам юритилади) номи билан

асарлар яратиб ҳадис илмининг ривожига катта ҳисса қўшдилар. Яна шуниси диққатга сазоворки, мазкур олтида машхур муҳаддиснинг икки нафари, асосийлари Ўрта Осиё заминидан чиқиб ижод қилган олимлардир. Ҳадис илми учун «олтин давр» ҳисобланган IX асрда машхур муҳаддислардан бири Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий яшаб ижод қиласди.

Ҳадисларнинг саҳобалардан кейинги билимдонлари тобеинлар, яъни саҳобаларнинг шогирдлари дидир. Тобеинлардан кейин эса, уларнинг ўқувчилари ва шогирдлари ҳадислар хақида маълумот берганлар. Ҳадис йифишида маълум тартибига риоя қилинган.

Бироқ муҳаддислар уч қисмга бўлиш борасида келишиб, бу учга бўлиш иккига бўлишдан кўра афзал деб санашган. Шундай қилиб, ҳадис саҳих, ҳасан ва заиф тарзида уч турга бўлинган. Ҳадисларнинг бошқа қисмлари ҳам мавжуд: ҳадиси мутовотир /ҳадис айтаётган киши унинг ростлигини тасдиқлаши лозим/; машхур саҳих /икки ёки ундан ортиқ киши билган ишончли ҳадис/; ҳасан /яхшилик тўғрисидаги ҳадис/; солиҳ /яхши амалларга қаратилган/, заиф /асоси бўш ҳадис/; муснад /китобий ҳадис/; маъруф /хабарли, янгиликли, олим кишилар тўғрисидаги ҳадис/; мавкуф, мавсул, мурсал, мақтуъ, мудаллас, мусалсал, мавзуъ, ғарийб /мазмуни бўйича ғалати/ ва шуларга ўхшаш.

Хофиз – ҳадис билан шуғулланган зотлар орасида даражаси энг баланд ва мақоми юксак бўлган кишидир. Ҳофиз турли тарзларда таъриф этилган. Бир уламо фикрича, ҳофиз Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатини билган, йўлларини эгаллаган, санадларини бир-биридан тозалаган, саҳих эканлиги иттифоқ қилинган ҳадислар билан ижтиҳод сабабидан «мухталифун фийх» бўлган ҳадисларни ёд билган; жарҳ ва таъдил истилоҳларидан воқиф бўлиб, ҳар бири орасидаги фарқни ажрата олган; ҳадисда мавхум ва саҳих бўлган лафзларни таниган, ҳадис матнларига дарж этилиб (киритилиб), уларнинг бир парчаси ҳолига келган лафзларни фарқлаб ажрата оладиган ва ровийларнинг аҳволидан энг яхши тарзда воқиф бўлган ҳадис олимиdir.

Учинчи бобнинг “**Ислом дини назарий манбаларининг ижтимоий-қиёсий ва педагогик таҳлили**” номли учинчи параграфида исломшуносликнинг бошқа соҳалари каби ҳадис илми ҳам комплекс маълумотларга эга бўлишдан ташқари жиддий равишдаги матншунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқот олиб боришни тақозо қилиши, ислом динининг ақидавий-хуқуқий тизими ва анъаналарининг пайдо бўлиши, турли жиҳатларининг батафсил ёритилиши педагогик таҳлилга йўналтирилади.

Кейинги асрларда араб тарихий тафаккури ўз тараққиётининг юқори чўққилари га эришди, кўп жилдлик умумий тарих китоблари ёзилди. Бу китобларда воқеалар одатда Одам атодан бошланиб то муаллиф яшаган вақтгача етказиларди. Ибн Ҳишом (вафоти 218 ҳ.й.), Ибн Қутайба (вафоти 276 ҳ.й.), Ал-Яқубий (вафоти 293 ҳ.й.), Ат-Табарий (вафоти 310 ҳ.й.), Ал-Масъудий (вафоти 346 ҳ.й.), Ёқут (вафоти 626 ҳ.й.), Ибн ал-Асир (вафоти 650 ҳ.й.), Абул-Фидо (вафоти 735 ҳ.й.), Ибн-Халдун (807 ҳ.й.) ва бошқаларнинг китобларини варақлаган киши ислом тарихига оид маълумотларнинг нақадар муфассал ва аниқлигидан ҳайратланса, айни вақтда бу китобларда исломгача бўлган давр қанчалик мавхумлигидан ажабланади. Тўғри, бу муаллифларнинг биронтаси

қадимги Арабистон тарихи бўйича махсус китоб ёзмаган. Мусулмонлар Арабистон ярим оролидан ташқарида фатҳ бошлиши билан яхуд, христиан, собий ва зардуштийликнинг турли маданият, дин ва фалсафий қарашлари, янги вазият ва ғояларга рўбарў келиб, уларга жавоб бериш керак эди. Мана шундай жиддий методологик ва мафкуравий кенг қамровлилик туфайли, араб-мусулмон маданиятининг диний компонентида ҳам дунёвийлик, рационалистик ва инсонпарварлик хусусиятлари кучайди. Ушбу ҳодиса – Европа илохиёт фалсафаси тараққиётига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Бир неча йил илгари Тошкент ислом университети (ҳозирги Ўзбекистон халқаро ислом академияси)да Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ташкил қилинди. Марказда илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Шулар қаторида манбашунослик йўналишида қўйидаги:

- «Абу Лайс Самарқандийнинг илмий мероси ва унинг «Бахрул-улум» тафсири;
- Бобурнинг «Мубаййин» фикхий мажзумаси ва унинг илмий таҳлили;
- узлуксиз таълим тизимида дин ҳақида маълумот берувчи қўлланмалар яратилиб, тажриба-синов майдонларида тажрибалар ўтказилмоқда;
- Ҳаким ат Термизийнинг «Наводир ул-усул» асари;
- Абул Муъин Насафий ва унинг «Табсират ал-Адилла» асари;
- Мовароуннаҳр ва Хурросон муҳаддисларининг ҳадис илмида тутган ўрни;
- буюк муҳаддислар;
- Замахшарийнинг «Рабиъ ал-аброр» асарининг илмий таҳлили;
- Ан-Найсобурийнинг «Асбоб ан-Нузул» асарининг илмий таҳлили;
- исломда аёл ҳуқуқи;
- ислом ҳуқуқида мерос масаласи;
- Имом Термизийнинг «Сунан» асарининг илмий таҳлили;
- Низомиддин аш-Шошийнинг «Усул аш-Шоший» асари;
- «Усул ал-фиқҳ» қўлланмаси (ислом ҳуқуқи методологияси)» каби мавзуларда тадқиқотларнинг ўтказилиши ислом маданияти ва тарихи ривожига қўшилиши давом этаётган муҳим илмий воқеадир.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида ислом маданиятини тадқиқ этишнинг педагогик концепцияси ишлаб чиқилди:

Ислом маданиятини тадқиқ этишнинг педагогик концепцияси қўйидагилардан иборат:

1. Ислом маданияти;
2. Манбалари;
3. Анъана ва қадриятлари;
4. Фалсафаси;
5. Тарбиявий жиҳати.

Мазкур педагогик концепция ислом маданиятини ўрганишдан келиб чиқадиган мақсадлар, вазифалар, эришиладиган натижалар йўналишини педагогика тарихи фанлари тизимида тартиблаш, умумлаштириш ва яхлит кўринишга келтириш имкониятини яратади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Олий таълим тизимида педагогика фанлари йўналишида ислом маданиятига оид мавзулардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш самаралари**” деб номланади. Мазкур боб З та параграфдан иборат бўлиб, унда ислом маданияти меросидан олий таълим тизимида фойдаланиш масалалари, педагогика тарихида ислом маданияти манбаларининг ўрганилиши ва таҳлил этилиши, бу борада олий таълим тизимида ўтказилган тажриба-синов ишлари изоҳланди.

Тўртинчи бобнинг “**Ислом маданияти меросидан олий таълим тизимида педагогика тарихи курсини ўрганиш жараёнида фойдаланиш масалалари**” номли биринчи параграфда ислом маданияти тарихи, назарияси, ғоялари ва анъаналарини ўрганиш тадбирларини олий таълим тизимида қўллаш масалалари ёритилди.

Ислом маданиятини ўрганиш борасида ватанимиз олимлари томонидан фундаментал тадқиқотлар амалга оширилгани ҳаммага маълум. Шулар қаторида ислом маданиятига тегишли бўлган тарихий меросдан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш масалаларининг бир қатор муаммолари мавжуд.

Масалан, ислом маданияти манбалари ва улардан таълим тизимида фойдаланиш бўйича бир қатор ўқув қўлланмалари, дарс ишланмалари яратилган, лекин уларнинг аксарияти таълимнинг бъзи йўналишлари (масалан: исломшунослик, диншунослик ва бошқалар)ни ривожлантириш мақсадида намуна олиш билан ёки тарбия мазмунини очиб беришда фойдаланиш билан чекланиб қолган. Умуман олганда эса, улар услугубий масалаларни кучайтиришга қаратилгандир.

Тадқиқот нуқтаи назаридан олиб қараганда эса, илмий меросдан фойдаланиш - биринчи навбатда ўрганилаётган мавзунинг зарурлиги ва уни қандай манбаларга таянган ҳолда ўтиш керак? - деган саволнинг юзага келиши билан боғлиқ омилларни тадқиқ этишга асосланади.

Бунда битта масала, ёшлар тарих тўғрисида тўлиқроқ маълумотга эга бўлишлари учун ислом маданияти юзага келиб шаклланишининг турли босқичлари, қолаверса диний асосларнинг педагогик хусусиятлари кўриб чиқилиши зарурияти пайдо бўлади. Иккинчидан, ўша даврларда илмий тараққиётга бўлган муносабат ва шароит, манбалар билан ишлашнинг илк шакллари қай ахволда бўлишига қарамасдан илм излаш, диний масалалар ёритилиши, уларнинг мазмунини очишга ҳаракат қилиш муаммолари юзасидан уламолар билан ўзаро фикр алмашиш мушакқати мавжудлигидир.

Педагогик фикр ва қарашларни ўрганишда мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар, илмий фаолиятидаги йўналишлар, уларнинг бизгача етиб келган асарлари, педагогик фикрлари, ғоялари ва қарашларининг ўзига хос хусусиятлари, энг муҳими эса ушбу омилларнинг замонавий тарбия жараёни учун амалий аҳамиятини белгилаш муҳимдир.

Тўртинчи бобнинг “**Педагогика тарихида ислом маданияти манбаларининг ўрганилиши ва таҳлил этилиши тарбиявий жараён сифатида**” номли иккинчи параграфда ислом маданияти манбаларида нафақат ислом дини ривожланишининг муаммолари, балки тарихимиз, миллатимизнинг

инсон, ҳаёт, турмуш, оила тўғрисида шаклланган тушунчаларининг мантиқий масалалари таҳлил этилди.

Ислом маданияти манбаларида мавжуд бўлган бебаҳо билимлар, тасаввурлар фақатгина ривоятлар бўлиб қолмай, балки ёшлар тарбиясига, ижтимоий турмуш маданиятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг амалий тўплами – халқ анъаналарининг тартиби мавжуддир.

Халқимизнинг муқаддас эътиқоди – ислом динига оид бой маънавий-маданий меросини асраб-авайлаш, диёrimиздан етишиб чиқсан буюк алломаларнинг илмий ғоялари, асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш ва замонавий руҳда ривожлантириш, шу соҳада илмий-назарий тадқиқотларни олиб бориш, замон талаблари даражасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш, уларга бўлган шарт-шароитлар яратиш ҳамда аждодларимиздан қолган ноёб манбалар асосида тадқиқ этилган маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш мақсадида турли маънавий тадбирлар ўтказилмоқда.

Сўнгти вақтларда ислом маданияти манбаларидан дарсларда, маъруза ва машғулотларда фойдаланиш борасида турли тавсиялар, ишланмалар, услубий кўрсатмалар тайёрланиб, вақтли матбуот, оммавий нашрлар, қўшимча адабиётларда эркин тарзда ёритила бошланди. Шу билан биргалиқда илмий тадқиқотлар ўтказила бошланди. Ислом маданиятининг илмий мероси ва зарурати, таълим-тарбия жараёнига таъсир доираси, ушбу соҳани илмий таҳлил этиш усувлари ҳақида илмий-назарий фикрлар «Педагогика назарияси ва тарихи», «Педагогика тарихи», «Педагогика тарихидан хрестоматия», «Халқ педагогикаси», «Диншунослик асослари», «Диншунослик» курслари мазмунига киритилди.

Ўтган вақт ичидаги талабаларга «Маънавият асослари», «Ахлоқшунослик», «Дидактика», «Педагогика назарияси», «Педагогика ва тарбиявий ишлар методикаси» каби фанларни ўқитиши жараёнида ҳам ислом дини тарихи ва ривожланиши билан боғлиқ маълумотлар берилди. Айниқса, университетлар, педагогика институтларида педагогик йўналишдаги фанларга оид дарслик, қўлланма ва методик адабиётларда ислом маданияти, тарихи ва намояндалари фаолияти билан боғлиқ манбалар, материаллардан фойдаланиш масалаларига тобора эътибор ва талаб кенгайиб бормоқда.

Тўртинчи бобнинг **“Ислом маданияти манбаларидан олий таълим тизимида фойдаланишнинг самараларига оид тажриба-синов ишлари”** номли учинчи параграфда тадқиқот жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишлари таҳлили ёритилади.

Тадқиқот жараёнида диссертациянинг илмий фарази, янгилиги ҳамда ҳимояга тавсия этилаётган асосий ҳолатларни олий таълим амалиётида синаб кўриш орқали уларнинг ҳаққонийлик даражасига, тегишли меъёрий хужжатлар асосида меъёрий талабларнинг бажарилишига, тажриба-синовлар ва хулосалардан олинган натижаларни олий таълим тизимиға жорий этиш юзасидан ишлаб чиқилган тавсияларга холисона баҳо беришга ҳаракат қилинди.

Шунингдек, тадқиқот мақсадига мос келувчи, белгиланган муаммони келтириб чиқарувчи таъсирларни бартараф этишни таъминловчи шартшароитлар, ташкилий ва таълим услублари ҳамда воситаларининг самарадорлик кўрсаткичларини тизимли равишда ўлчаш, аниқлаш ва қайд этиб боришининг математик-статистик усулларга таянган ҳолда тадқиқот иши натижаларини яққол ифода этадиган янги формулалар ишлаб чиқилди.

Тажриба-синовлар жараёнида:

- ҳар бир синов машғулотини ташкил қилиш билан боғлиқ ишчи фараз шакллантирилди (масалан: мавзу зарурати, режаси, долзарблиги ва x.);
- синов машғулотларини ташкил қилишда ва ўтказишида самарадорлик мезонлари белгиланди (масалан: илмий жиҳатдан қизиқтириш усуллари, баҳсга ва мунозарага тортиш механизмлари ва x.);
- тажриба-синов натижаларини қайд этиш усуллари белгиланади (масалан: баҳолаш тартиби, жавобларни умумлаштириш ва x.);
- тажриба-синов натижаларини қайта ишлаш усулларини белгилаш (масалан: Л.Коэн, Н.Лейтбак, Дж.Макнрой, К.Перикэб, Л.Стоук, Т.Стьюидент-Фишер ва бошқаларнинг статистик усулларидан фойдаланиш ёки тадқиқотнинг маҳсус усулларни ишлаб чиқиш тартиби);
- синов ишлари ўтказиши жойи ва вақтини аниқлаш;
- режалаштирилган синов ишлари муддати ва фойдаланиладиган материал миқдорини белгилаш ҳамда иштирок этувчиларни танлаш (масалан: ўқув йили, чораклар, йиллар ҳамда материаллар ва иштирокчилар тўғрисида маълум хуносага келиш);
- тажриба-синовлар кетма-кетлигини ишлаб чиқиш (масалан: изланувчи, тасдиқловчи ёки шакллантирувчи, миқёси, кўлами, ташхис ва башорат ҳамда мазмуни) каби тадбирлар ташкил этилди.

Тажриба-синов ишлари дастури қўйидаги талаблар асосида ишлаб чиқилди:

- мақсадга эришиши таъминловчи тадбирлар, олинадиган натижалар вазифалар кетма-кетлиги сифатида белгилаш;
- вазифалар белгиланган умумий мақсаднинг нисбатан аниқ қисмларига хусусий мақсадлар сифатида қараш масаласи сифатида илмий таҳлил этиш;
- оралиқ натижалар, босқичлар, меъёрий талаблар, статистик ҳисоблар бажарилишининг узвийлигини таъминлаш.

Тажриба-синовлар 2020 йилнинг 18-19 февраль кунлари Самарқанд давлат университетида, 24-25 февраль кунлари Муқимий номидаги Кўқон давлат педагогика институтида, 2-3 март кунлари Тошкент давлат педагогика университети Термиз филиалида ташкил этилиб, ушбу жараёнларга жами 24 (СамДУ - 3, КДПИ - 9, ТошДПУ ТФ - 12) нафар педагог ҳамда 469 (Самарқанд ДУ - 171, Кўқон ДПИ - 147, Тошкент ДПУ ТФ - 151) нафар 2-3-босқич талabalari жалб этилди.

Тажриба-синовларимиз давомида тест саволлари ишлаб чиқилди ва тарқатилди.

Ушбу саволларни талabalарга бериш натижасида уларнинг ислом маданияти ҳақида тасаввурга камроқ эга эканликлари маълум бўлди. Бу

ҳолатнинг салбий томони шундаки, диний масалаларга оид мавзуларни ўтишда ўқитувчилар томонидан берилган маълумот умумий ёки ҳаммага маълум бўлган умумий хусусиятлардан иборат бўлиши, талабаларни қизиқтиришга етарли эмас, деб хулоса чиқаришга олиб келди.

Лекин, мулоқот ва сухбат жараёнида талабалар ислом маданияти, қолаверса, ислом маданиятининг педагогик масалаларига умумий, аниқроғи фалсафий тарзда қизиқишларини намоён этдилар. Шунингдек, бу қизиқишлар фақатгина умумий маълумотлардан иборат эканлиги аниқланди.

Ислом маданияти билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш биринчидан, талаба ёшларда тарихий меросимизга, миллий қадриятларимизга бўлган қизиқиши орттириб, иккинчидан, уларни тарбиялаш масалаларига мазмунан ёндашиш ҳолатини вужудга келтиради деб қараш керак бўлади.

Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасаларида очиқ маъруза, дарс ва амалий машғулот ўтказища ислом маданиятини ўрганишга қаратилган бир қатор мавзулар таклиф этилди.

Тадқиқот давомида ислом маданияти манбаларида акс этган тарбиявий фикр ва қарашлардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш юзасидан тавсия, кўрсатма ва маслаҳатлар бериб, режа асосида педагоглар жамоаси учун тушунтириш ишлари ташкил этиб борилди.

Тадқиқотимиз жараёнида Ноель Лейтбак /N.Leytbuk/ усули асосида (яъни, берилган саволлар сони - X, жавоблар сони - Y, талабалар сони - N, жавоб учун ажратилган вақт - T, қўйилган баҳолар нисбати - Z, бунда энг қуи ва энг юқори кўрсаткич - Q, талабалар гурухининг умумий ўзлаштириши – Q^2 , баҳолардан норозилик (аппеляция) - Gu, гурухга тажриба-синов натижаларини эълон қилиш ва экспериментни тасдиқлатиш - D, тажриба-синовни умумий баҳолаш – Q^3) тажриба-синов ишлари натижаларини ҳисобладик.

Ноель Лейтбак /N.Leytbuk/ усули формуласи:

$$\frac{X}{Y} \cdot \sqrt{N} \div \frac{T}{Z} \cdot \frac{Q}{Q^2} \div Gu + D \cdot Q^3$$

$$\frac{53}{46} \cdot \sqrt{46} \div \frac{2}{50} \cdot \frac{4 - 86}{89^2} \div 4 + 100 \cdot 85^3$$

Бунда, берилган саволлар сони – 53 та, олинган жавоблар сони - 46, демак жавобларни тўлиқ топширган талабалар сони - 46, жавоб учун ажратилган вақт – 2 (соат), қўйилган баҳолар нисбати – 50 (яъни, тахминан тўғри ёки нотўғри), бунда энг қуи 4 (балл) ва энг юқори кўрсаткич – 86 (балл), талабалар гурухининг умумий ўзлаштириши – 89^2 (балл), баҳолардан норозилик (аппеляция) – 4 (нафар талаба), гурухга тажриба-синов натижаларини эълон қилиш ва экспериментни тасдиқлатиш – 100 (фоиз амалга оширилди), тажриба-синовни умумий баҳолаш – 85^3 (ижобий баҳолангандан талабалар ўртача ушбу фоизга эга бўлишди).

Формула ечими:

$$a). 1,1 \cdot 6,8 \div 0,04 \cdot \frac{82}{7921} \div 4 + 100 \cdot 614125$$

$$\text{б). } 1,1 \cdot 170 \cdot \frac{82}{7921} \div 4 + 61412500 \approx 187 \cdot \frac{82}{7921} \div 61412504$$

$$\text{в). } 187 \cdot \frac{82}{7921} \div 61412504 \approx \frac{1481309}{7921} \div 61412504$$

$$\text{с). } \frac{1481309}{7921} \div 61412504 \approx \frac{1481,3}{7,921} \div 61412,5$$

$$\text{д). } \frac{211,6}{1,1} \div 8773,2 \approx \frac{1,1}{211,6} \cdot 8773,2$$

$$\text{е). } \frac{1,1}{1} \cdot 41,46 \approx 1,1 \cdot 41,46 \approx 45,6$$

Мазкур формула орқали тажриба-синовларда тадқиқот муаммосига талабаларнинг қизиқиши, янги билим ва маълумотларни бевосита машғулот жараёнида ўзлаштириш даражасини билиш мумкин.

Бундан ташқари, натижаларни яна битта ҳисоблаш усули - Ленн Стоукнинг (LS – «the final effect of education») таълим сифати кўрсатгичларини умумлаштириш (жамлаш, якунлаш) формулалари орқали ҳисоблашимиз мумкин:

Бунда сифат кўрсаткичлари қуйидаги тартибга келади:

$$LS = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_h)} = \frac{211,6}{41,46} = 5,1 > 1;$$

Юқорида талабалар сони 46 нафар деб олинган эди. Шунга кўра:

$$LS_{effect} = 46 \div 5,1 = 9 > 1;$$

Бунда ишонч интервалининг энг юқори нуқтаси \bar{X} да 46 ва \bar{Y} да энг паст нуқтаси 41,46 ни бир-биридан айириш ҳисобида таълим самарасини билиш мумкин бўлади.

$$LS_{final} = 46 - 41,46 = 4,54$$

Яъни, Н.Лейтбак усулида янги билим ва маълумотларни бевосита машғулот жараёнида ўзлаштиришнинг энг юқори кўрсатгичи **45,6** фоизни ташкил этди. Л.Стоукнинг таълим сифати кўрсатгичларини умумлаштириш усулида, тажриба натижалари қайта ҳисоблашдан ўтказилганда, талабаларнинг умумий билим самараси тадқиқот якунида қарийб **4,54** фоизга ўсганлиги маълум бўлди.

Лекин, бу ўсишлар ватанимизда олиб борилаётган таълим сиёсати ва диний бағрикенглик (толерантлилик) принциплари, шунингдек, тадқиқотимиз жараёнида амалга оширилган ташвиқот-тарғибот ишлари натижаси эканлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, ислом маданиятининг педагогик асосларини ўрганиш, бўлғуси педагогларда мутахассис сифатида шаклланишига яна бир бор ижобий таъсир кўрсатиб, талабаларни маънавий юксак, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб шаклланишида катта аҳамиятга эга эканлиги исботланиб, талабалар

диний дунёқараши ва билимларининг ривожланиши 4,5 % га ўсганлиги кузатилди.

Масалан, ҳадислардан таълим бериш: талабаларни ахлоқий тарбиялашда, ватанпарварлик тушунчаларига эга инсонлар қилиб етиширишда бебаҳо аҳамиятга эга бўлган умумий инсонпарварлик анъаналарининг ривожига таъсир кўрсатади. Ҳадисларни ўрганиш, талабалар дунёқарашини кенгайтирибина қолмасдан, балки уларнинг ижтимоий воқелик сифатида халқ педагогикаси моҳиятини тушунишга олиб келишини, касб танлаш ва фаолият йўналишини белгилашга ёрдам кўрсатувчи омил бўлиб саналади.

Талабаларда ислом маданиятига оид тушунчаларни таркиб топтириш устозлардан катта маҳоратни талаб этади. Бу жараён ҳар бир ёш даврига, шахсга, ҳар қайси ёшлар жамоасига алоҳида муносабатда бўлишни назарда тутади.

Тажриба жараёнининг ташкилий-педагогик босқичларида талабаларга «Ислом маданияти ва халқ педагогикаси», «Замонавий ёшларда миллий ва умумбашарий қадриятлар орқали ислом маданиятига бўлган қизиқишларида соғлом эътиқодни шакллантириш тўғрисида», «Академик лицей ва касб-хунар коллекции ўқувчиларида ислом маданиятига бўлган муносабатни шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари», «Ислом маданияти ривожида обидалар ва ёдгорликларнинг роли», «Ислом маданиятини ўрганишда ҳадислар тили ва мазмунининг таҳлили», «Ёшларни ўтмиш хотиралар руҳида тарбиялашда педагогик масалалар», «Ўзбек мутафаккирлари ижодида ислом маданиятига бўлган муносабат хусусида» каби мавзуларда маъruzalар ва семинар-тренинглар, педагог ҳодимлар, тингловчилар ҳамда соҳа мутахассислари учун «Ислом маданиятининг педагогик-психологик асосларини Имом ат-Термизийнинг тарбиявий қарашлари мазмунидаги педагогик фанларга ўқитиши жараёнида ўрганиш», «Ислом маданиятини тадқиқ этишида илмий асарларнинг педагогик таҳлили», «Ислом маданиятининг ижтимоий-педагогик жиҳатларини ўрганишда манбалар билан ишлаш», «Баркамол авлод тарбиясида ислом маданияти ижтимоий-педагогик масалаларидан фойдаланишнинг илмий мазмuni тўғрисида», «Баркамол авлод тарбиясида тасаввуф олимлари қарашларини ўрганишнинг илмий педагогик танқиди» каби мавзуларда маъruzalар ва сухбатлар ташкил этилди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ўзбекистонда ислом маданияти шаклланиши ва ривожланишининг педагогик масалалари узоқ ўтмиш ижтимоий-иктисодий даври таъсирида шаклланди. Бу йўналишда тадқиқот олиб борган илм аҳллари маънавий меросимиз бўлиб ҳисобланмиш – ислом динининг туб моҳиятини тушуниб этишга, мазкур ҳодисанинг авлодлар учун зарур бўладиган тарбиявий жиҳатини, аниқроғи, педагогик имкониятини намоён қилишга ҳаракат қилганлар.

Мазкур соҳада ўтказилган илмий таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Республика из мустақилликка эришгандан сўнг ислом маданиятига бўлган эътибор янада кучайди, бу ўз навбатида соҳада илмий изланишлар олиб борилишини тақозо этди.

2. Ислом дини шўролар даврида ҳаётимиздан четлатилишининг сиёсий мақсадлари ўзининг ноўринлигини тарихий вақт ичидаги исботлади. Дин эса ўз навбатида жамиятимиз кишиларини инсонпарвар этиб шакллантиришда муҳим ижтимоий омил эканлигини кўрсата олди. Шунингдек, ҳозирги кунгача ислом дини ҳаётимизда мавжуд бўлган салбий иллатлар – ичкиликбозлиқ, гиёхвандлик, беҳаёлик каби салбий иллатларга, инсон соғлиги ва ҳаётига тажовуз қилиш каби жиноятчиликка қарши курашда ўз маънавий ҳиссасини кўшиб келди ва келмоқда.

3. Ислом дини ватанимиз тарихи ривожида ўзининг илмий мавқеига эга бўлиб, барча ижтимоий-иктисодий жараёнлар иштирокчиси бўлиб ҳисобланади. Шу билан биргаликда диний қадриятларнинг тикланишида ижтимоий ўсишни ҳам кўриш мумкин.

4. Мазкур тадқиқотда ислом алломаларининг фаолияти асосида ислом динининг педагогик жиҳатлари, омиллари ва ёндашувларининг илмий таҳлиллари тадқиқ этилди.

5. Ҳадисшунос алломалар ўз асарларида инсон тарбиясига таъсир кўрсатувчи ҳадисларнинг ижобий томонини, қолаверса, дидактик жиҳатларини очишга ҳаракат қилганлар. Бундай ҳолатда, албатта, тарбия муаммосининг ўзига хос бўлган услуби мавжудлиги таъкидланади.

6. Ислом маданияти манбалари саналмиш ҳадисларда одоб, ахлоқ меъёрлари кўп асрлик ҳаётий тажрибалар натижаси сифатида даврлар синовини бошидан ўтказган. Уларнинг туб моҳияти ҳадислардаги фикр, сўз, маъно ва амал тамойилларида ўз ифодасини топган. Бу тамойиллар тарбия жараёнини шакллантирувчи асосий шартлар бўлиб ҳисобланади.

7. Педагог ходимлар, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик билимлари, тарихий-маънавий дунёқарашига оид билимларини ривожлантиришда диссертация материалларидан фойдаланиш маълум аҳамият касб этади.

8. Ўзбекистонда ислом маданиятининг шаклланиши жаҳон ислом цивилизациясининг асоси равишда ривож топишида катта илмий ҳодиса сифатида манба тарзида хизмат қилувчи жараён бўлиб ҳисобланади.

ТАВСИЯЛАР

Тадқиқотимиз жараёнида, шунингдек, ўтказилган таҳлиллар, хулосалар асосида ислом маданияти манбаларидаги педагогик-психологик фикрлар ҳамда қарашлардан педагогика тарихи ўқув модулини такомиллаштириш бўйича қўйидаги илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистонда ислом маданияти шаклланиши ва ривожланишига асос бўлган омилларнинг педагогика тарихи фани нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши;

2. Тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистонда ислом маданияти шаклланиши ва ривожланишинг тарихий-ижтимоий ҳамда педагогик таҳлилини педагогика тарихи дарслигига киритиш;

3. Олий таълим муассасаларининг педагогик таълим йўналишларида ўтиладиган фан, хусусан, “Умумий педагогика” фани дастурининг 2-ўкув модули “Педагогика тарихи” фани маъруза машғулотларининг аввал тасдиқланган намунавий дастурларининг тематик режаларида, жумладан, 3-мавзудан бошлаб:

“Ислом маданияти ва тарбия” ёки кейинги тасдиқланган шаклларида -

“VII асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача Ўрта Осиёда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар”;

“Шарқ Уйғониш даврида педагогик фикрларнинг ривожланиши”;

“XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрда Мовароуннахрда тарбия ва мактаб”;

“XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрда Мовароуннахрда педагогик фикрлар ривожи”;

“XVII асрдан XIX асрнинг ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар ривожи” каби мавзулар ўрин олган.

Ушбу мавзуларни мақбуллаштириш, уларнинг маънавий ва илмий жиҳатдан эскирганлиги, сўнгги талаблар ва маълумотлар асосида тарихий-илмий жиҳатдан янгилаш ҳамда ихчамлаштириш мақсадида, шунингдек, юқорида санаб ўтилган мавзуларда ватан тарихининг айнан ислом маданияти ривожи ёки хронологияси билан боғлиқлигига маълумотлар қўшилиши лозимлиги сабабли, ушбу мавзуларни:

“VII асрдан XIV асрнинг иккинчи ярмигача Ўрта Осиё ҳудудида ислом маданияти манбаларида педагогик фикрлар ва қарашлар”;

“XIV асрнинг иккинчи ярмидан XIX асрнинг иккинчи ярмигача Ўрта Осиё ҳудудида ислом маданияти манбаларида педагогик фикрлар ва қарашлар”;

“Ўрта Осиё ҳудудида ислом маданияти манбаларида педагогик фикрлар ва қарашлар тараққиёти”;

“Ўзбекистонда педагогик фикрлар ва қарашлар ривожида ислом маданияти манбаларининг ўрни ва аҳамияти” деб номлаш назарий, илмий, тарихий, ижтимоий муҳимлик жиҳатидан мақсаддага мувофиқ келишини инобатга олиш;

4. «Педагогика тарихи» фанида «Ўзбекистонда педагогик фикрлар шаклланишида ислом динининг роли», «Педагогик фикрлар тараққиётида Ўзбекистонда ислом маданиятининг шаклланиши ва ривожланишининг аҳамияти», «Ўзбекистонда ислом маданияти шаклланишига оид манбалардан педагогик фанларни ўқитиши жараённида фойдаланиш» мавзуларини ўтиш жараёнининг сифатини ошириш учун тадқиқот натижаларини монография ва қўлланмалар сифатида чоп этиш ҳамда таълим жараёнига татбиқ қилишга эришиш;

5. Талабалар ва ўқувчиларнинг дарсларда олган билимларини мустаҳкамлаш учун дарсдан ташқари тадбирларда, сұхбат ҳамда савол-жавобларда ёш авлодда дин, иймон, эътиқод масалалари, ўз тарихимиз,

маданиятимизга бўлган тўғри ва ижобий муносабатни шакллантириш мақсадида, ислом маданиятининг намуналари – тарихий обидаларга, ёдгорликларга, исломий асарлар сақланадиган ташкилотларга илмий саёҳат ўюнтиришда диссертация материалларидан фойдаланиш муҳимдир.

6. “Педагогика тарихи” курсини ўқитишида тадқиқотни олиб бориш жараёнида ишлаб чиқилган: ислом маданияти; манбалари; анъана ва қадриятлари; фалсафаси; тарбиявий жиҳатидан иборат ислом маданиятини тадқиқ этишнинг педагогик концепциясидан фойдаланиш. Мазкур педагогик концепция ислом маданиятини ўрганишдан келиб чиқадиган мақсадлар, вазифалар, эришиладиган натижалар йўналишини педагогика тарихи фанлари тизимида тартиблаш, умумлаштириш ва яхлит қўринишга келтириш имкониятини яратади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВАНИИ
НАУЧНОГО СОВЕТА РНД.03/30.12.2019.PED.78/03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

КАДЫРОВ Кутлуг Бекмурадович

**ПРОГРЕСС ПЕДАГОГИЧЕСКО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ МЫСЛИ
В ИСТОЧНИКАХ ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЫ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений.

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т
докторской (DSc) диссертации по педагогическим наукам**

Термез – 2022

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.4.DSc/Ped152

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.tersu.uz) и Информационно-образовательного портала Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Официальные оппоненты: **Алеуов Усербай Алеуович**
доктор педагогических наук, профессор

Киямов Нишанбай Садыкович
доктор педагогических наук, профессор

Шоумаров Гайрат Бахрамович
доктор психологических наук, профессор

Ведущая организация: **Международная исламская академия Узбекистана**

Защита диссертации состоится «_____» 2022 года, в _____ часов на заседании Разового научного совета на основании научного совета PhD.03/30.12.2019.ped.78/03 по присуждению ученых степеней при Термезском государственном университете (Адрес: 190111, г. Термез, ул. Баркамол авлод, дом. 43. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz).)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета (зарегистрирована за №______). Адрес: 190111, г. Термез, ул. Баркамол авлод, дом. 43. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17.

Автореферат диссертации разослан «_____» 2022 года.
(реестр протокола рассылки №____ от «_____» 2022 года).

Чарыев Иргаш Тураевич
Председатель разового Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

Базарова Муслима Кадыровна
Секретарь разового Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н.,
доцент

Худайкулов Хол Джумаевич
Председатель научного семинара при
разовом Научном совете по
присуждению ученых степеней, д.п.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом социальном сообществе известно, что получение известности исламской религии и ее распространению среди народов и государств послужили основные религиозные источники – это заслуга Корана и хадисов (сказаний о пророке). Данные источники комментируют и пропагандируют правильный теологический анализ исламского религиозного течения, которое является базисом социально-общественных, научных и культурных отношений многих народов и стран. Необходимо особо отметить и то, что в настоящее время активно растет популярность религиозного течения указанной направленности и в странах с традициями разных культур, а так же и в регионах с формой неисламского религиозного поклонения и связано это прежде всего с общечеловеческими моральными принципами, миролюбия, справедливости и добра, которые активно пропагандируют и продвигают мусульмане всего мира. Здесь невозможно не процитировать одну из известных высказываний: хорошо известно, что стремление к исламу в мире растет и увеличивается число его приверженцев. Основные причины этого - гуманность и доброта этой религии, ее важность и место, ее богатые ценности и традиции из нашего далекого прошлого.

Мировые народы, осуществляя свои воспитательные процессы, на этом пути обращают внимание на эффективное и рациональное использование богатого содержанием, имеющим всесторонний объем, воспитательное наследие великих мыслителей, и в этом процессе наблюдается, насколько важное научное значение представляет собой изучение в целях принятия в виде образца, вышеуказанного наследия или внедрение его в учебно-воспитательный процесс. Конечно, из исторических источников и событий известно, что отношения между религией и обществом в некоторые периоды усиливались, и возникали конфликты. Однако учение, культура и ценности исламской религии прочно укоренились в идеях и народной педагогике, и этот процесс давно признан в качестве части народных культуры и воспитания.

Последние годы, в Узбекистане, в формировании общенационального духовного мышления в сознании молодежи, имеют отдельное место основы содержания тенденций национального воспитания, и на основе этого, необходимо, создание на современном этапе условий и механизмов для изучения педагогических взглядов культуры исламского наследия, в формировании и дальнейшего совершенствования научного отношения в дисциплинах общей педагогики и ее истории, а также теории и истории психологии, в которых, были проведены ряд исследований.

К тому же, “Наша страна взрастила многих ученых, собирателей хадисов, богословов, их наследие колоссально. Однако следует признать, мы не изучали глубоко этот богатый источник”.⁷ Это в свою очередь, имеет научное значение,

⁷ Центр исламской цивилизации: гармония религии, науки и современности. Из выступления Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева от 29 января 2022 года во время посещения Центра исламской цивилизации Узбекистана. <https://president.uz/ru/lists/view/4115>

в плане широкого исследования сведений относящихся к теме диссертации и рассмотрении малоизученных проблем, а также, необходимостью разработки обобщающих выводов.

В соответствии задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 “О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы”⁸, Постановлениях от 10 февраля 2022 года №ПП-126 “О дополнительных мерах по совершенствованию системы хранения и исследования древних письменных источников”⁹ и от 24 мая 2017 года №ПП-2995 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников”¹⁰, Указе от 16 апреля 2018 года №УП-5416 “О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительской сфере”¹¹, а также, в ряде нормативно-правовых документов, и была выполнена данная исследовательская работа.

Взаимосвязь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данная диссертация выполнена в рамках конкурса фундаментальных проектов I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики»¹², сроками до пяти лет, проводимых в соответствии с требованиями государственного заказа на выполнение научно-исследовательских работ в рамках государственных программ научной деятельности в соответствии с приоритетами развития науки и технологий в республике.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹³.

Анализом источников по исламской культуре, изучением их образовательной роли, выявлением педагогических и психологических аспектов Корана и хадисов, изучением педагогических и психологических взглядов мыслителей исламской культуры, занимались исследователи всемирно известных образовательных учреждений, таких как – Al-Azhar University; International Islamic University Malaysia (IIUM); Египетский университет исламской культуры Нур-Мубарак; International Islamic University; Imam Muhammad ibn Saud Islamic University (IMSIU); Umm al-qura university; Islamic University of Applied Sciences Rotterdam; Darul Huda Islamic University (DHIU); Universitas Islam Indonesia; International Islamic University Chittagong; Центр Арабского языка, ислама и исламской культуры при Пятигорском государственном университете; Московский исламский институт; Российский исламский университет при Центральном духовном управлении Мусульман; Центр

⁸ Национальная база данных законодательства, 29.01.2022 г., № 06/22/60/0082, 18.03.2022 г., № 06/22/89/0227

⁹ Национальная база данных законодательства, 11.02.2022 г., № 07/22/126/0125

¹⁰ Национальная база данных законодательства, 06.04.2018 г., № 06/18/5399/1018

¹¹ Национальная база данных законодательства, 18.04.2018 г., № 06/18/5416/1079, 13.12.2018 г., № 06/18/5597/2300

¹² <https://mininnovation.uz/en/competitions/2073>

¹³ <http://www.azhar.edu.eg/en/>, <http://www.iium.edu.my/>, <https://nmu.kz/en/>, <https://iiu.edu.pk/default.htm>, <https://imamu.edu.sa/en/Pages/default.aspx>, <https://uqu.edu.sa/en>, <https://www.iur.nl/en/>, <https://www.dhiu.in>, <https://www.uii.ac.id/>, <https://www.iiuc.ac.bd/>, <http://pgu.ru/information/structure/centers/>, <http://miu.su/>, <http://www.riu-ufa.ru/>, <http://ivran.ru/arab-center>

арабских и исламских исследований Института востоковедения Российской академии наук, в которых, также в поиске решений научных проблем в сотрудничестве проводятся международные исследования и научные конференции.

Также, это находит отражение в проводимых научных, теоретических и практических исследованиях представителей образовательных и общественных учреждений. В частности, важная роль педагогических и психологических аспектов и социальной необходимости в религиозных источниках изучается в Центре арабских и исламских исследований Института востоковедения Российской академии наук (Москва, Россия); роль религиозных и психологических взглядов в семейных и общественных отношениях: Университет Ал-Азхар (Cairo, Egypt); историко-теоретическое значение источников исламской культуры в исследовании проблем молодежи: Международный исламский университет Малайзии (Kuala Lumpur, Malaysia); место исламской культуры и источников в формировании современного мировоззрения: Международный исламский университет Исламабада (Islamabad, Pakistan); роль и влияние исламской культуры в развитии мировой культуры; идеи мудрости и святой деятельности духовенства; социально-педагогические, философские и психологические взгляды; важность религиозных источников в изучении педагогических и психологических взглядов ученых: Исламский университет Имама Мухаммада ибн Сауда (Riyadh, Saudi Arabia); Университет Мекки Уммул-Кура (Makkah, Saudi Arabia); Роттердамский исламский университет (Rotterdam, Netherlands); Исламский университет Дор-ул Худо (Mallapuram, India); Индонезийский исламский университет Джокьякарты (Yogyakarta, Indonesia); Международный исламский университет Чittагонг (Chittagong, Bangladesh); в Египетском университете исламской культуры Нур-Мубарак (Алматы, Казахстан); изучение социальных проблем, жизнь и творчество исламских мыслителей: в Центре арабского языка, изучения ислама и исламской культуры при Пятигорском государственном университете (Пятигорск, Россия); Московском исламском институте (МИИ) (Москва, Россия); исторический и теоретический вклад исламских ученых в развитие современной науки: в Российском исламском университете при Центральном духовном управлении мусульман (РИУ ЦДУМ, Уфа, Россия).

Степень изученности проблемы. В процессе анализа научных исследований и произведений по направлению диссертации, научные работы специалистов сферы были распределены на четыре группы¹⁴.

Первая группа: авторы диссертаций и исследований посвященных вопросам изучения истории исламской культуры, ее развития, теоретико-социальных проблем, старинных рукописей: В.Бартольд, Е.Бертельс, Х.Вамбери, И.Гольдцигер, П.Грязневич, Г.Э. фон Грюнебаум, К.Захидов, К.Кадыров, Л.Климович, А.Лундин, А.Муминов, Т.Нёльдеке, А.Савицкий,

¹⁴ Полные сведения о названии работ авторов приведены в разделе диссертации “Список использованной литературы и источников”.

З.Улугбекова, М.Усманов, Г.Пугаченкова, Ф.Роузентал, А.Халидов, Т.Хамидреза, А.Хасанов, Ф.Юлдашева, Ю.Якубов;

Вторая группа: авторы диссертаций, исследований и произведений, посвященных вопросам изучения творчества личностей, их жизни и деятельности, оказавших влияние на развитие исламской культуры:

А.Абдуллох, М.Алимова, М.Атаев, Г.Баубекова, К.Босворт, Х.Исламий, М.Камилов, А.Кубесов, М.Кенджабек (Кенджабаев), Н.Мухамедов, К.Насыров, С.Акилов, Б.Радтке, Д.Тимохин, У.Уватов, И.Усманов, М.Хаджиева, М.Халназарова, М.Шаходжаев, К.Кылычева, К.Кадыров, С.Хасанов, Х.Хамидий (Хамидов), Б.Ишанджанов;

Третья группа: авторы диссертаций и исследований посвященных вопросам анализа источников исламской культуры, комментариям, изучения традиций исламской культуры, ценностей, исследованию исторических памятников: Ш.Авазова, Д.Алимова, У.Алеуов, Е.Беляев, Н.Бобровников, О.Большаков, Г.Волков, С.Джураева, А.Джуринский, А.Зуннунов, З.Исломов, З.Исоқова, К.Кадыров, Э.Каримов, Х.Караматов, А.Кныш, Н.Камилов, М.Крапивин, И.Крачковский, В.Литвинов, Ал.Мансур, Аб.Мансур, Л.Маньковская, Р.Матибаева, А.Мец, З.Миртурсунов, О.Мусурманова, М.С.Мухаммад Юсуф, Б.Назаров, С.Нишинова, Р.Абидов, Н.Артыков, И.Астанакулов, С.Ачил, М.Пазилова, С.Прозоров, Е.Резван, С.Турсунов, К.Ташмурадова, М.Тохтаходжаева, Т.Игамбердыева, Н.Иркабаева, И.Фильшинский, Б.Кадыров, Ш.Курбанов, М.Куранов, М.Хайдаров, О.Хасанбаева, Ж.Хасанбаев, К.Хашимов, Б.Шидфар, И.Шифман, А.Юрасов;

